

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үн.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

АСТАНОВ ИСТАМ РУСТАМОВИЧ

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН
Фойдаланишнинг процессуал ва
КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertatation

Астанов Истам Рустамович

Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг
процессуал ва криминалистик жиҳатлари 3

Астанов Истам Рустамович

Процессуальные и криминалистические аспекты использования
специальных знаний по уголовным делам 35

Astanov Istam Rustamovich

Procedural and criminalistic aspects of use special knowledge in criminal
cases 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 71

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үн.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

АСТАНОВ ИСТАМ РУСТАМОВИЧ

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН
Фойдаланишнинг процессуал ва
КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/Yu17 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар: **Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна**
юридик фанлар доктори, профессор

Тўлаганова Гулчехра Захитовна
юридик фанлар доктори, профессор

Муродов Бахтиёржон Баҳодирович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ кuni тарқатилди.

(2018 йил «__» ____даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ў.Х. Мухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И.Ю. Фазилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

А.Г. Закирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар кўрсаткичи жадал суръатларда ошиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда содир этилган 1787 та террорчилик ҳаракати оқибатида 13759 нафар инсон вафот этган, 16683 нафар инсон жароҳатланган¹, ҳар йили 190 000 нафар инсон наркотик моддалар таъсирида бевақт оламдан ўтади², 2021 йилга келиб кибержиноятлар сони ошиб бориши ҳисобига ушбу жиноятга қарши кураш учун 6 триллион АҚШ доллари ажратилиши режалаштирилган³. Бундай жиноятларга қарши курашишда эксперт ва мутахассислар имкониятлари ва замонавий технологиялардан фойдаланишга бўлган эҳтиёж ортиб бораётган ҳозирги шароитда жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш институтини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш тизимининг таҳлили мазкур соҳада янги турдаги экспертиза, юқори технологиялар (hi-tech), тафтиш, экспертиза текшируви учун намуналар олишнинг замонавий имкониятларини кенгроқ қўллашни талаб этади.

Жаҳонда жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатларини такомиллаштириш, экспертлар ва мутахассислар имкониятларидан фойдаланишнинг тактик усулларини ривожлантириш, жиноят процессида шахс билан боғлиқ экспертиза ўтказиш жараёнларида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланишининг таъсирчан янги механизмларини жорий этиш зарурати бу борада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда. Жиноят ишлари бўйича фойдаланиладиган «махсус билим» тушунчасини қонун нормаларида белгилаш, адвокатнинг махсус билимлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, экспертнинг хавфсизлигини таъминлашнинг янги механизмларини жорий қилиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш тартибини такомиллаштириш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари тенглигини кафолатловчи миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган процессуал ва криминалистик муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш, жиноятларни аниқлаш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, жиноят ишларини юритишда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳат-

¹ vavilon.ru/statistika-terrorizma/#statistika-terrorizma-v-mire.

² Всемирный доклад о наркотиках 2017 год. www.unodc.org/wdr2017/field/WDR_Booklet1_Ex-sum_Russian.pdf.

³ www.csoonline.com/article/3153707/security/top-5-cybersecurity-facts-figures-and-statistics.html.

ларини сўраш ва олиш тартибини аниқлаштириш⁴; процессуал қонунчилик нормалари бузилиб, олинган кўрсатувлар, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўймаслик; халқаро стандартлар асосида суд экспертизаси фаолиятини такомиллаштириш («ISO/IEC 17025» стандартини жорий этиш); суд экспертизаси ўтказишнинг муддати ва сифатини назорат қилиш бўйича идоралараро электрон тизим ишлаб чиқиш; суд экспертизасининг янги турларини жорий қилиш⁵; экспертиза ўтказиш ва тафтиш қилишнинг аниқ мезон ҳамда тартиб-таомилларини такомиллаштириш; мутахассиснинг процессуал мақомини аниқлаштириш, шунингдек, мутахассис фикрига процессуал тус бериш⁶ бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса, жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишга оид қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш, махсус билимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, жиноят ишларида махсус билимлардан фойдаланишни ўзида акс эттирган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, ривожланган мамлакатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилишни тақозо этади. Айниқса, судга қадар ва суд босқичида экспертиза ўтказиш ва тафтиш қилишнинг аниқ мезон ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Жиноят кодекси (1994), Божхона кодекси (2016), «Суд экспертизаси тўғрисида»ги (2010), «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги (2018), «Адвокатура тўғрисида»ги (1996), «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги (2017) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли, «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли фармонлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

⁴ 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Президент Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // www.lex.uz.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁷. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Centre for Forensic Science (Нортумбрия университети, Буюк Британия), Criminal Justice Centre (Уорвик ҳуқуқ мактаби, Буюк Британия), Bournemouth University (Англия, Дорсет графлиги), Thompson Rivers University (Канада), University College London (Англия), Roger Williams university (Бристол, АҚШ), University of Tasmania (Австралия), Москва давлат юридик университетида (Россия) олиб борилмоқда.

Жаҳонда жиноят ишларини юритишда махсус билимлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: экспертлар учун умумий стандарт терминларни жорий этиш лозимлиги асосланган (University of Nevada, Reno, АҚШ); ҳимоячи (адвокат)га мустақил экспертиза тайинлаш ваколатини бериш орқали дастлабки терговда тортишув принципига риоя қилинишини кучайтириш асослаб берилган (University Turiba, Lithuania); экспертиза муассасаларининг ягона вазирлик тизимида бирлаштирилиши, экспертлар иш ҳажмининг миқдори белгиланиши эксперт хулосаси сифатини оширишга хизмат қилиши исботланган (Mykolas Romeris University, Lithuania); уяли алоқа воситаларида қўлланиладиган дастурлардан жиноятларни очишда фойдаланиш ва уларни далил сифатида баҳолашнинг самарадорлиги аниқланган (Нортумбрия университети, Буюк Британия); экспертларнинг рейтингини жорий қилиш уларнинг иш самарадорлигини оширувчи муҳим омил эканлиги асосланган (Уорвик ҳуқуқ мактаби, Буюк Британия); мутахассиснинг хулосаси далил сифатида баҳоланишини қонунда мустаҳкамлаш асослаб берилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси).

Дунёда жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар ечимини топишга қаратилган қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали жиноят-процессуал муносабатларда тенглик принципи талабларининг устуворлигини таъминлаш; жиноят ишларини очиш ва тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш институтини қўллаш доирасини кенгайтириш; суд-тергов органларининг жиноятларни тергов қилишда замонавий технологияларни қўллашга доир фаолиятини такомиллаштириш; шахсдан экспертиза текшируви учун намуналар олишда хавфсиз ҳамда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмайдиган самарали ва таъсирчан усуллардан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш.

⁷ Диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида ёритилган: www.jstor.org; www.apa.org; www.ucl.ac.uk/jill-dando-institute/forensic-sciences; warwick.ac.uk/fac/soc/law/research/centres/cjc; www.bournemouth.ac.uk; www.tru.ca; www.ucl.ac.uk; www.rwu.edu; www.utas.edu.au; en.nagoya-u.ac.jp; www.u-tokyo.ac.jp/en; www.utoronto.ca; www.yale.edu; aliph.library.it; www.harvard.edu; www.cam.ac.uk; www.ox.ac.uk; <https://elt.oup.com>; www.psychiatry.org; spbu.ru; www.msu.ru; www.unr.edu; www.aafs.org; www.ams.org; www.allacademic.com; www.northwestern.edu.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Ғ.А.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова, Ш.Ф.Файзиев, Н.М.Қўшаевлар тадқиқ этилаётган муаммонинг умумий томонларини ўрганган бўлсалар, С.А.Отахўжаев, Р.Алимова, Б.С.Саломов, Л.Т.Пулатова, Л.Баканова, Н.Худойкулова, Қ.И.Исаров, Б.И.Пинхасов, Ф.Х.Тарханова, Н.Х.Абдусатторовалар томонидан экспертиза институтининг айрим жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

МДХ давлатларида махсус билимлардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари Е.Р.Россинская, А.П.Рыжаков, Я.В.Комиссарова, В.А.Назаров, Л.В.Лазарева, В.М.Азаренко, В.В.Камарова, И.И.Горянов, Д.А.Харченко ва В.Н.Шепелларнинг монографик тадқиқотларида ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш масалалари Donald E. Shelton (АҚШ), Sigita Šimbelytė (Литва), Melanie Klinkner (Англия), Glenn R. Anderson (Канада, Антарио), Chris D.L. Hunt, Lorne Neudorf (Канада), Freckelton I, Selby H. (Австралия), Michell P, Mandhane R., N.Gary Holten Lawson L. Lamar (АҚШ, Флорида), I.H. Dennis, D.Dwyer T.Golan, Sales B.D., Shuman D.W., Stephanie Domitrovich, Mara L. Merlino and James T. Richardson, Bruce D. Sales, Daniel W. Shuman⁸ томонидан тадқиқ этилган.

Мазкур диссертацияда эса асосий эътибор жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик тавсифи, юридик табиати, ривожланиш тарихи, бошқа далилларни тўплаш усулларидан фарқи, эксперт ва мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми каби масалаларга қаратилиб, у юқоридаги илмий ишлардан, аввало, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигидаги ва криминалистик амалиётдаги махсус билимлардан фойланиш институтининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишга бағишлангани, ЖПКга киритилиши лозим бўлган қўшимча ва ўзгартиришлар, амалиётга жорий қилиниши лозим бўлган усуллар комплекс таҳлил қилинганлиги билан фарқланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари» (2-банди), «Криминалистик экспертизаларни ўтказиш ва расмийлаштиришни такомиллаштириш» (3-банди) илмий тадқиқотлари йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишга оид миллий қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

махсус билимлардан фойдаланишга оид нормаларнинг ривожланиш босқичлари (тарихи)ни тадрижий ўрганиш;

⁸ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

махсус билимлардан фойдаланиш шаклларига оид институтларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

исбот қилиш жараёнида мутахассиснинг иштирокига оид таклифлар ишлаб чиқиш;

экспертиза текшируви учун намуналар олиш, тафтиш, экспертиза тайинлаш тартибини такомиллаштиришга оид таклифлар бериш;

процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида адвокатнинг махсус билимлардан фойдаланишини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

жиноят ишлари бўйича махсус билимларга эга шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиш тактикасини такомиллаштириш;

экспертиза текшируви учун намуналар олиш, тафтиш, экспертиза ўтказиш ва эксперт хулосасидан фойдаланиш тактикасини ривожлантиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилиги ва амалиётига оид илғор ғояларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш бўйича таклифларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари самарадорлигини оширишга қаратилган муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш самарадорлигини амалга оширишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантикий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция, дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда улар вакилларининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқларини қонунда белгилаш орқали жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини тенглаштириш таклиф этилган;

экспертни ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш унинг меҳнат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга зарар етказиши асослантирилган;

экология соҳасидаги, шунингдек сўзлашув қурилмалари, маълумот сақловчи воситалар, компьютер техникаси ёки зарар келтирувчи дастурлардан фойдаланиб содир этилган жиноят ҳолатларини қонунга киритиш орқали экспертиза тайинлаш ва ўтказилиши шарт бўлган ҳолатларни кенгайтириш лозимлиги асослаб берилган;

адвокатга экспертиза тайинлаш ваколатининг берилиши унинг ҳимоя имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши исботланган;

эксперт ва унинг оила аъзолари хавфсизлигини таъминлашнинг процессуал тартибига доир нормаларни қонунда белгилаш асослангилган;

экспертизага тақдим этиладиган намуналарга қўйилгилан минимал талабларни белгилаш қоидалари ишлаб чиқилган;

суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартибини қонунда белгилаш тақлиф этилган;

экспертиза учун юборилган объектларни қабул қилиш, сақлаш, тайёр материаллар ва ашёвий далилларни, экспертиза тадқиқоти натижаларини расмийлаштириш бўйича умумий ва яқунловчи қоидалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

экспертларнинг рейтингини жорий қилиш, уларнинг қасамёд қилиши тартибини киритиш, хусусий экспертиза муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш лозимлиги асослаб берилган;

жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш асосида жиноят процесси иштирокчиларининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқларини тенглаштириш, экспертнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, экспертиза тайинлаш ва ўтказилиши шарт бўлган ҳолатларни кенгайтириш, эксперт ва унинг оила аъзолари хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижасида Ўзбекистонда суд экспертизасини такомиллаштириш истиқболлари концепциясининг лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда унинг қабул қилиниши суд экспертизаси тизимини, амалиётини, мавжуд техник-технологик имкониятларини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшиши асослангилган;

экспертиза тайинлаш, ўтказиш, тафтиш тайинлаш ва ўтказиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш жараёнидаги ҳаракатлар кетма-кетлиги алгоритми ишлаб чиқилган, унинг амалиётга татбиқ этилиши қонун нормаларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишига хизмат қилиши асослангилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ижтимоий сўровлар (500 дан ортиқ эксперт, мутахассис, суд-тергов амалиёти ходимлари, адвокатлар орасида ўтказилган сўровлар), статистик маълумотлар, экспертиза тергов ҳаракатига оид 100 дан ортиқ, тафтишга оид 50 га яқин тергов ва суд органлари жиноят ишлари ҳужжатлари ўрганилган. Хулоса, тақлиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар вақолатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ундаги хулоса ва тавсиялар махсус билим, эксперт, экспертиза, тафтиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, намуналар турларига оид назарий тушунчаларни бойитишга, тизимлаштириш жараёнини такомиллаштиришга, жиноят

ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик асосларини бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатларига оид янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса унинг натижалардан жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда, қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда; Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунини қўллаш амалиётида, шу жумладан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судлар фаолиятида; олий юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида, хусусан, «Жиноят-процессуал ҳуқуқи», «Криминалистика», «Суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш» ҳамда «Далиллар назарияси» фанларидан ўқув машғулоти ўтказишда, шунингдек ўқув, услубий адабиётлар тайёрлашда, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят ишларида махсус билимлардан фойдаланишга оид миллий қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

экспертларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва экспертиза тайинлаш ва ўтказишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 30-бобининг 208-217-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг 2015 йил 28 декабрдаги 1/16-464-сон маълумотномаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 06/2-06/2251вх-сон маълумотномаси, Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 4 октябрдаги 06-20/602-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши божхона фаолияти билан боғлиқ муносабатларда махсус билимлардан фойдаланиш жараёнларини тартибга солишга ҳисса қўшган;

суд экспертларининг муайян суд-экспертлик фаолияти бўйича малакаси ва ҳуқуқий билимларини оширишга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунини 27¹-модда билан тўлдиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 2 августдаги 14/5-6532/3-сон маълумотномаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 06/1-05/2258вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши эксперт хулосасининг сифатини оширишга, хулоса беришда камчиликларга йўл қўйилишларни бартараф этишга хизмат қилган;

маъмурий иш юритишда экспертлар фаолиятини тартибга солишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунининг 27, 28, 29, 30-моддаларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017 йил 4 январдаги 3/12-

9759/5-сон, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 1-сон маълумотномалар). Мазкур таклифларнинг инобатга олиниши маъмурий иш юритишда экспертлар комиссиясини жалб қилиш механизмини белгилашга хизмат қилган;

далилларни экспертлар томонидан қабул қилиб олиш, сақлаш ва расмийлаштиришга доир таклифлар 2015 йил 3 августда тасдиқланган «Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида ашёвий далиллардан экспертлик фаолиятида фойдаланиш ва сақлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 4, 8, 12, 14, 17, 53-бандларида ўз ифодасини топган (Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг 2015 йил 18 августдаги 29-857/1-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлардан фойдаланилиши экспертизаларни тайинлаш, ўтказиш ва уларнинг тайёр материалларини расмийлаштириш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг криминалистик жиҳатларига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тавсия этилган «Криминалистика» дарслигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2016 йил 15 августдаги 38/31-182-сон маълумотномаси). Ушбу илмий хулосалар жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг криминалистик жиҳатларига доир назарий-методологик ёндашувларни ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 20 та (5 та халқаро, 15 та республика) илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш нашр эттирилган. Шулардан, 40 та мақола, жумладан, миллий журналларда 14 та, илмий анжуманларда 17 та, халқаро журналларда 6 та, халқаро илмий анжуманларда 3 та мақола, шунингдек, 2 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 1 та шарҳ чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси,

тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари**» деб номланувчи биринчи бобида жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишга оид нормаларнинг ривожланиш босқичлари, жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг юридик табиати, шакллари таҳлил қилинган ҳамда назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Диссертант жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш тарихини: 1) махсус билимлардан фойдаланиш тартибининг юзага келиш ва ривожланиши; 2) мустақилликкача бўлган даврда махсус билимлардан фойдаланишнинг қонунчиликда тартибга солиниши ҳамда мутахассис, эксперт фаолияти ва экспертиза институтининг ривожланиши; 3) мустақиллик йилларида махсус билимлардан фойдаланишнинг тараққий этиши ва экспертизанинг янги турлари пайдо бўлиши даврларига бўлган.

Тадқиқотчи биринчи босқичда умуман махсус билимлардан процессуал ҳаракат сифатида эмас, балки муайян соҳа мутахассислари фаолиятдан маълум бир йўналишлардаги масалаларни ҳал қилишда фойдаланилганлигини кўрсатган. Махсус билимлардан қадимги Ҳиндистонда Ману қонунлари, Тан сулоласи даврида дактилоскопик экспертиза имкониятларидан фойдаланилганлиги, Хитой суд тиббиёти манбаларидан бири «Си-Юань-лу»да мурдани кўздан кечириш тартиби ифодаланганлиги, Юлий Цезарнинг ўлими сабабини аниқлашда, Византия императори Юстиниан давридан бошлаб хатшунослик экспертизаси пайдо бўлганлиги, «Германия миллатининг Муқаддас Рим империяси» ёки «Каролина» номли қонунлар тўпламида ўлим оқибатларини аниқлашда экспертизадан фойдаланилганлиги мисоллар билан асослантирилган. Токсикология ва баллистика соҳаларининг пайдо бўлиши, антропометрия, бармоқ изларини идентификация қилиш, қон изларини тадқиқ этиш, ДНК тадқиқотининг юзага келиш тарихи ўрганилган.

Иккинчи босқичда махсус билимлардан фойдаланиш тарихи ривожининг муҳим нормалари сифатида 1864 йилда амалга киритилган Россия Жиноят ишлари бўйича суд иш юритуви тўғрисидаги Низом, 1922, 1929, 1959 йиллардаги Ўз ССР Жиноят-процессуал кодексларининг аҳамияти кўрсатилган.

Тадқиқотчининг фикрича, Ўз ССРнинг 1926 йилги Жиноят-процессуал кодекси махсус билимлардан фойдаланиш институти ривожига катта ҳисса қўшган бўлса-да, бир қатор камчиликлардан ҳам холи бўлмаган, хусусан, «эксперт» тушунчасига тўлиқ таъриф берилмаган, экспертиза қандай тергов ҳаракати эканлиги баён этилмаган, эксперт ва гувоҳларнинг ҳуқуқий мақоми бир моддада кўрсатилган бўлиб, улар бир хил ҳуқуқий мавқега эга бўлган, экспертиза турлари ҳамда уларнинг тайинланиши ва ўтказилиши ҳақидаги моддалар ўз ифодасини топмаган, экспертнинг терговчи томонидан берилган

саволлардан ташқари ўзининг ташаббуси билан бир қатор бошқа ҳолатларга ҳам ҳулоса бериши ва ойдинлик киритиши мумкинлиги баён қилинмаган.

1929, 1959 йиллардаги Ўз ССР ЖПКларида, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилдаги кодексидан фарқли равишда, эксперт билан гувоҳ бир қаторга қўйилганлиги ва уларнинг ҳуқуқий мақоми бир-биридан фарқ қилмаганлиги, ҳаттоки уларнинг ҳуқуқий ҳолати битта моддада акс эттирилганлиги камчилик сифатида кўрсатилган.

Учинчи босқичда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПК қабул қилинганлиги рақамли технологиялар, шунингдек электроакустик монтаж белгилари асосида аудио ва видео манбаларни комплекс тадқиқ этиш; ер участкаларига бўлган эгаллик ҳуқуқ қийматини эксперт баҳолаш; ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси; суд-экологик, суд-сиёсатшунослик-лингвистик, суд-филологик экспертизалар жорий қилинганлиги эътироф этилган.

Тадқиқотчи олимларнинг (Г.Х.Корухев, Е.П.Ищенко, Б.М.Бишманов, В.Д.Арсеньев, В.Т.Заболоцкий) фикрларини таҳлил қилиб, «махсус билим» тушунчасига қуйидагича таъриф берган: «Махсус билим – бу жинойт ишини кўзғатиш, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси мақсадлари учун қўлланиладиган ва жинойтга алоқадор фактик маълумотлар, далилларни замонавий тадқиқот усуллари орқали топиш, тўплаш, баҳолашни амалга оширишда фойдаланиладиган фан, техника, касб-ҳунар соҳасидаги тор йўналишдаги профессионал билимдир».

Махсус билимдан фойдаланиш экспертнинг экспертизадаги идентификацион ва бошқа тергов ҳаракатлари ҳамда мутахассиснинг маслаҳат ёки техник ёрдамини ўзида акс эттирувчи фаолиятига асосланган амалиёт, дея баҳоланган.

Экспертиза деганда эса терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суд ажримига асосан тайинланадиган, жинойт иши учун муҳим фактик маълумотларни аниқлаш мақсадида тадқиқ этиш мақсадида юборилган объектларни экспертнинг фан, техника, санъат, касб-ҳунар соҳалари бўйича махсус билимлардан фойдаланиб текшириши ҳамда унинг бу ҳақда ҳулоса беришидан иборат процессуал ҳаракат тушунилиши ҳақидаги ғоя илгари сурилган.

Экспертиза тадқиқоти усули экспертиза мақсадига эришиш йўлида муайян кетма-кетликда танлаб қўлланиладиган тегишли йўл-йўриқлар тизимидир.

Тадқиқотчи махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва процессуал бўлмаган шакллари мавжудлигини ҳамда улар экспертиза, мутахассис фаолияти, тафтиш, экспертиза текшируви учун намуналар олишдан иборатлигини асослантирган.

Диссертациянинг «**Жинойт ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал-ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари**» деб номланувчи иккинчи бобида исбот қилиш жараёнида мутахассис иштирокининг ўзига хос жиҳатлари, экспертиза текшируви учун намуналар

олишнинг, тафтиш тайинлашнинг процессуал тартибга солиниши, экспертиза тайинлаш асослари ва процессуал тартибга солиниши, адвокатнинг процесс иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда махсус билимлардан фойдаланиш имкониятлари каби масалалар атрофлича ўрганилган.

Диссертант ЖПК 69-моддасининг биринчи қисмидаги изоҳни етарли эмас деб ҳисоблаб, мутахассис – бу тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва малака талаб қилинган ҳолларда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш, текширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга ёрдам бериш учун чақирилувчи шахс, деган хулосага келган. ЖПКда мутахассис сифатида шифокор, педагог иштирок этиши белгиланганлигини тўлиқ эмас деб ҳисоблаб, психологни ҳам мутахассислар жумласига киритиш кераклигини асослаган.

ЖПКда белгиланган мутахассис фаолияти акс этган нормаларни таҳлил қилиш натижасида унинг фаолиятини қуйидаги йўналишларга ажратиш кераклиги асосланган:

- 1) далилларни топиш, тўплаш, мустаҳкамлаш, баҳолашда ёрдам бериш;
- 2) тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда илмий-техник воситаларни (магнитофон, видеомагнитофон, кинога олиш аппаратлари ва бошқа аппаратларни) қўллаш орқали суриштирувчи, терговчи, судга ёрдам бериш;
- 3) эксперт олдига қўйиладиган саволларни шакллантиришда ёрдам бериш;
- 4) тарафлар ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг жиноят иши вазиятига оид саволларига ўзининг профессионал билимидан келиб чиқиб жавоб бериши (фикр бериши);
- 5) экспертнинг хулосаларини баҳолашда экспертиза тайинлаган органларга ёрдам бериш;
- б) вояга етмаганларга, жиноятдан қаттиқ азият чеккан шахслар билан ишлаш жараёнига ёрдамлашиш (педагог ва психолог).

Муаллиф жиноят иши қўзғатишдан олдин ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар жумласига ушлаб туриш, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш баробарида экспертиза текшируви учун намуналар олишни ҳам киритиш лозим деган хулосага келган.

ЖПКнинг «Намуналарнинг турлари ва уларни олиш усуллари» деб номланган 188-моддаси учинчи қисмидаги нормага пул белгилари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, захарли, тез ёнувчи моддалар, йўл-транспорт ҳодисасига оид намуналар ҳам киритилиши асосланган.

Экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши шарт бўлган ҳолатлар юзасидан намуналар олиниши талаб қилинганда фақат эксперт томонидан намуна олиниши тартибини ЖПКга киритиш таклифи илгари сурилган.

Тафтиш далилларни тўплаш усули сифатида энг кам ўрганилган ва процессуал қонунчиликда мавҳум баён қилинган институтлардан бири эканлиги асослаб берилган. Тадқиқотчининг фикрича, тафтишнинг бошланиш вақтини белгилаш уч хил бўлиб, улар қуйидагиларда ифодаланиши баён қилинган: тафтиш ўтказиш ҳақидаги буйруқ нусхаси,

хизмат гувоҳномаси ва тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳнома билан таништирилган пайт; баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, унга тегишли ёзув ёзиб қўйилган пайт; текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили турган жой номаълум бўлган тақдирда хат юборилган сана.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома камида уч нусхада тузилиб, унинг бирорта нусхаси ҳам шу тадбирни ўтказган шахсда қолмаслиги қонунда ва амалиётда мавжуд камчилик сифатида баҳоланган.

Қўшимча тафтиш тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномада мавжуд бўлган камчиликларни тўлдириш мақсадида ўтказилиши асосланган нормадаги «камчилик» сўзини «бўшлиқ» сўзи билан алмаштириш лозим деган хулосага келинган. Чунки камчилик бартараф этилиши, бўшлиқ эса тўлдирилиши мантиқан тўғри бўлади деб ҳисобланган.

Тадқиқотчи экспертиза тайинлаш ва ўтказиш жараёнини еттига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, улар жумласига: экспертизага тайёргарлик кўриш; экспертиза тайинлаш; экспертиза ўтказиш; экспертиза хулосасини шакллантириш; экспертга саволлар бериш (экспертни сўроқ қилиш); эксперт хулосасини баҳолаш; қўшимча, қайта экспертизалар ўтказишни киритган.

Экспертиза тайинлаш жараёни: иш учун аҳамиятли маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича махсус билимлар орқали текширишга эҳтиёж сезилиши; экспертизага юбориладиган объектлар тўпланиши; тайинланадиган экспертиза турини аниқлаш; улар юбориладиган муассаса, тайинланадиган экспертни аниқлаш; экспертиза ўтказилиши лозим бўлган муддатни белгилаш; эксперт олдида қўйиладиган саволларни тайёрлаш; экспертиза тайинлаш қарори, ажримини чиқариш; экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ва тадқиқот учун муҳим бўлган намуналарни экспертга юбориш ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлигини тушунириш ёки қарор ва намуналарни давлат экспертиза муассасасига юборишдан иборат бўлиши керак деган хулосага келинган.

Тадқиқотчи адвокат, ҳимоячининг махсус билимлардан фойдаланиш жараёнига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, ЖПКнинг «Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 53-моддаси биринчи қисмига адвокат экспертиза тергов ҳаракати хулосаси юзасидан уни ўтказган экспертдан ҳам маълумотларни сўраш ва ёзма тарзда олиш ҳуқуқига эга, деган нормани киритиш кераклигини асослаган.

ЖПКда тортишув принципи қоидаларини қўллашни янада кенгайтириш ва жиноят ишларини кўриб чиқишда тенглик принципига амал қилишни кучайтириш мақсадида адвокатларга экспертиза ўтказиш учун мурожаат қилиш ваколати берилиши лозим деган хулосага келинган.

Адвокатнинг шартнома асосида эксперт хулосасини ва мутахассис фикрини олиш ҳамда уларни жиноят ишига қўшиб қўйиш бўйича илтимоснома киритиш каби ҳуқуқдан фойдаланиши лозимлиги бўйича таклифни илгари сурилган.

Диссертациянинг «**Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг криминалистик жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида жиноят ишлари бўйича махсус билимларга эга шахслар ёрдамидан фойдаланиш тактикаси, экспертиза текшируви учун намуналар олишнинг криминалистик ҳамда тафтиш ўтказишнинг тактик жиҳатлари, экспертиза ўтказиш ва эксперт хулосасидан фойдаланишнинг тактикаси масалалари таҳлил қилинган.

Тадқиқотда эксперт тадқиқоти юзасидан хулоса бериш учун махсус билимдан фойдаланадиган, алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлган ва қонунда кўзда тутилган талабларга жавоб бера оладиган шахс эканлигини ЖПКга киритиш таклиф қилинган.

Экспертга сарфланган харажатларни қоплашларини талаб қилиш ҳамда зарур ҳолларда экспертиза тадқиқотини суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ иштирокида ўтказишни сўраб муурожаат этиш каби ҳуқуқлар берилишини таклиф қилинган.

Эксперт мажбуриятларига экспертиза тадқиқоти муддатларини сунъий равишда, асосиз узайтирмаслиги, экспертиза текшируви натижалари бўйича хулосани экспертиза тайинлаган органга дарҳол тақдим этиш каби қоидаларни киритиш лозимлиги асослантилган.

Тадқиқотчи ишнинг кўзғатилишига асос бўлган экспертиза тергов ҳаракатини ўтказган шахснинг ушбу ишда эксперт ёки мутахассис сифатида иштирок этиши мумкин эмас деган хулосага келган. Бунга экспертнинг ишдан манфаатдор бўлиб қолиши мумкинлиги асос сифатида келтирилган.

ЖПКга кўра, суд-психология, суд-иқтисодий экспертизалар фақат давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан ўтказиладиган экспертизалар бўлса-да, аммо психология ва иқтисодий текширишлар имконияти бошқа ташкилотларда ҳам ривожланиб кетганлиги боис, уларни мазкур экспертизалар жумласидан чиқариш керак деган фикрга келган.

Экспертга ва унинг оила аъзоларига жиноят иши юзасидан тажовуз қилинишининг олдини олиш ва унинг асосли хулоса беришини таъминлаш мақсадида ЖПКга тегишли нормани киритиш ҳамда амалиётда эксперт хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таклифини илгари сурган.

Экспертиза муассасаси раҳбарининг ваколатларини аниқлаштириш ҳамда унинг амалиётда юзага келаётган муаммолар бўйича эксперт хулосасини шакллантириш жараёнига аралашининг олдини олиш лозим деб ҳисобланган.

Тадқиқотчи мутахассиснинг портатив, яъни ўзи билан олиб юриши осон бўлган воситалар: телефон, пленшет, ноутбукдан ва уларнинг дастурларидан (CSI Marker, Ruler, Cycloramic, ProScope Micro Mobile, Flir) фойдаланиши лозимлигини амалий мисоллар билан асослашга ҳаракат қилган.

Тадқиқотчи ёлғон гувоҳликни аниқловчи детекторни амалиётга жорий қилиш лозимлигини асослаган ҳамда унинг ижобий жиҳатларини сарҳисоб қилган, фикрининг исботи сифатида хорижий мамлакатлар амалиётидан мисоллар келтирган.

Экспертга тақдим этиладиган иш материалларини шартли равишда қуйидаги уч тоифага бўлиш мумкинлиги асослантирилган: ашёвий далиллар, уларнинг нусхалари аниқланган жой, уларни қайд қилиш усули ва олиниши билан боғлиқ материаллар; экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)га киритилган дастлабки маълумотлар сифатидаги материаллар; эксперт текширувининг асосий объекти бўлган материаллар.

Тадқиқотчи томонидан текшириш объектлари жумласига электрон маълумотларни ҳам киритиш давр талаби эканлигини ва ушбу тартибнинг ЖПКга киритилмаганлиги амалиётда кўплаб муаммоли ҳолатларни юзага келтираётганлигини асослаб берган.

Процессуал табиатга эга бўлган объектлар доирасига: экспертиза (дактилоскопик, трассологик, баллистик ва бошқа) натижасида топилган, аниқланган, қайта тикланган ашёвий далилларни; жиноят ишига алоқадор (суд-бухгалтерлик, ёнғин-техник, қурилиш экспертизалари орқали аниқланган) ҳужжатлар; тирик инсонларни текшириш орқали аниқланадиган далилларни (суд-тиббий, суд-психиатрик, суд-психологик экспертизаларда), ушбу шахслар доирасига эса гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар киритилган.

Экспертиза текшируви учун намуналар олиш мақсадида ташкил қилинган кўздан кечириш жараёнининг криминалистик жиҳатдан 12 босқичи мавжудлигини асослаб берилган ва улар жумласига қуйидагиларни киритилган: тайёргарлик, ҳодиса содир бўлган жойга келиш, жиноят содир этилган жойни ҳимоялаш ва чегаралаш чораларини кўриш, дастлабки кўздан кечиришни бошлаш, жиноят жойини ёзма тасвирлаш чораларини кўриш, жиноят жойини суратга олиш, жиноят жойининг схематик тасвирини тайёрлаш, ашёвий далилларни тўплаш ва белгилаш чораларини кўриш, яқунловчи кўздан кечириш, жиноят жойини бўшатиш.

Тадқиқотчи экспертиза текшируви учун намуналар олишнинг криминалистик жиҳатларини очиқ беришда портлашдан кейинги кўздан кечириш ва намуналар олиш, рақамли экспертиза текшируви учун намуна олиш жараёнларини таҳлил қилишдан фойдаланган.

Тафтишнинг криминалистик жиҳатлари, асосий босқичлари, мутахассислар бажарадиган ҳаракатлар кетма-кетлиги тизимлаштирилган, яъни алгоритми шакллантирилган.

Тадқиқотчи «Экспертиза ўтказиш» деб номланган нормани ЖПКга киритишни таклиф этиб, уни криминалистик жиҳатдан тизимлаштирган ҳолда баён этишни таклиф қилган.

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунда экспертиза муддатига бағишланган модда бўлса-да (17-модда), унда муддат масаласи белгиланмаганлиги сабабли 30 кунгача бўлган муддатни қонунга киритиш ва амалиётда унга риоя қилиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

Жиноят ишлари бўйича экспертизаларни кетма-кетлигига кўра – бирламчи, қўшимча ва қайта экспертизага; иш ҳажмига кўра – яқка шахс, комиссия томонидан ўтказиладиган; фойдаланиш лозим бўлган билимлар

кўламига биноан эса бир турдаги ва комплекс экспертизаларга бўлиб ўрганиш таклиф қилинган.

Диссертант қўлланилган илмий-техник воситалар қуйидаги талабларга жавоб берагина улар ёрдамида олинган далиллар мақбул деб топилиши лозим деб ҳисоблайди: қонунда белгиланган ёки унинг норма ва принципларига зид бўлмаган; илмий тадқиқот учун яроқли; самарали; хавфсиз бўлган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари**» деб номланган бўлиб, унда хорижий давлатлар тажрибаси, тартибга солувчи ҳуқуқий асослари ҳамда ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда айрим Европа давлатлари, АҚШ, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва баъзи МДХ давлатларининг тадқиқот мавзусига доир ишлари таҳлил қилинган.

Германия ЖПКдаги нормадан келиб чиқиб, экспертнинг гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши уни рад этиш учун асос бўла олмайди деган нормани миллий қонунга киритиш таклиф қилинган. Чунки, эксперт сўроқ қилинганда гувоҳ ҳуқуқий мақомида бўлиши ҳамда ишда бошқа шахс сифатида иштирок этган шахс эксперт бўла олмаслиги боис, ушбу норма масаланинг энг мақбул ечими деб изоҳлаган.

Тадқиқотда Россия Федерацияси ЖПКдаги эксперт кўрсатувиغا оид нормаларни миллий қонунчиликка киритиш лозимлиги таъкидланади. Тадқиқотчи миллий қонунчиликда эксперт сўроғида у гувоҳ сифатида баҳоланиши нотўғри амалиёт деб ҳисоблайди, шу боис Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига эксперт кўрсатувиغا бағишланган 184¹-моддани киритиш лозимлигини асослантирган.

Германия ЖПКда бўлгани каби, миллий қонунчилигимизга эксперт хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжи пайдо бўлганда унинг исми шарифининг сир тутилишига оид нормани киритиш ҳақидаги ғоя илгари сурилган.

Экспертнинг бандлиги, яъни иш ҳажмининг кўплиги у берадиган хулосанинг сифатига таъсир қилиши мумкинлигини инобатга олиб, буни рад этиш учун асослардан бирига киритиш лозимлиги асослаб берилган.

Германия ЖПКда бўлгани каби хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жавобгарлик белгилаш, яъни миллий қонунчилигимизда бўлгани каби жиноий эмас, балки процессуал чиқим сифатида экспертдан қилинган харажатларни қоплашни талаб қилиш лозимлиги асосланган.

Тадқиқотчи эксперт қасамёди матнини ЖПКга киритишни таклиф қилади, бу жараён эксперт хулосасининг ҳақиқийлигини таъминлашга ёрдам беради, деб ҳисоблайди. Чунки, қасамёд Германияда экспертнинг рейтинги, обрўйи, иш ҳақиға таъсир қилувчи омил эканлигини ва миллий тизимда ҳам самара беришини таъкидлайди.

Германия ЖПКдан фарқли равишда, миллий қонунчиликда далилий ашёларнинг утилизацияси, йўқ қилиниши масаласи очиқ қолган. Шу боис

ушбу тартибни 197¹-модда сифатида ЖПКга киритиш ва унга амал қилиш лозим деган хулосага келинган.

Испания ЖПКда бўлгани каби, гумон қилинувчи мурдани кўздан кечириш жараёнига ва жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказиш даражасини аниқлашга қаратилган тиббий экспертизага айблов томон тайинлаган эксперт баробарида ўз шахсий экспертини жалб қилиш, кимёвий таҳлилларни ўтказиш билан боғлиқ тадқиқотларга ўз экспертини жалб қилиш, эксперт ўзи мустақил ёки айблов томон тайинлаган эксперт билан биргаликда тадқиқот ўтказиши, экспертни жалб қилиш умумий ҳуқуқи, ушбу ҳаракатлар натижасида юзага келадиган харажатлар гумон қилинувчи ҳисобидан қопланиши каби нормаларни миллий қонунчиликка киритиш кераклиги асослаб берилган.

Франция ЖПКда бўлгани каби, тарафлар экспертиза ўтказилишини сўраб мурожаат қилган, ҲМҚО вакиллари ёки суд экспертиза тайинлаш шарт эмас деб ҳисобланганда, суриштирувчи, терговчи, судья ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 кун ичида ушбу ҳолатни ойдинлаштиришга қаратилган асослангилган қарор, ажрим чиқариши талаб қилинишини қонунчилигимизга киритиш таклифи илгари сурилган. Бу амалда камдан-кам кузатиладиган ҳолат эканлиги баён қилинган.

Тадқиқотчи экспертлар ўртасида рақобатни кучайтириш мақсадида уларнинг рейтинг рўйхатини шакллантиришни таклиф қилган. Бу энг кучли ҳамда мавжуд экспертларни кўриш ва уларнинг имкониятларини баҳолаш, рақобат ҳиссини шакллантириш имкониятини беради, деган хулосага келган.

Швейцария ЖПКда «эксперт» тушунчасини изоҳлашда, ҳар қандай махсус билим ва кўникамага эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкинлиги белгилангани инобатга олиниб, миллий қонунчиликнинг тегишли моддасига ҳам «кўникама» сўзини киритиш таклиф этилган. Айрим ҳолатларда кўникама хулоса сифатига таъсир қилувчи омил эканлиги кўрсатилган.

Тадқиқотчи АҚШнинг «Вояга етмаган жиноят жабрланувчилари ҳақида»ги қонунда белгиланган вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларга нисбатан ёпиқ телетармоқларни қўллаш тартибини миллий қонунчиликка киритишни таклиф қилган, унга қуйидагилар асос бўлишини эътироф этган: вояга етмаган шахс кўрқиши оқибатида кўрсатув бера олиш имконияти чекланганда; судда вояга етмаган шахснинг кўрсатув бериши унга эмоционал жароҳат етказиши мумкин деган тахмин бўлганда; бола психик ёки бошқа рухий бузилишларга дучор бўлганда; айбланувчи ёки унинг вакили ҳаракатларида вояга етмаганнинг кўрсатув беришига халақит бериши мумкин бўлган ҳолатлар кузатилганда.

Қозоғистон ЖПКда бўлгани каби, эксперт амалга ошириши тақиқланган ҳаракатлар сифатида: экспертизага оид масалалар юзасидан жиноят иши юритилаётган шахсни огоҳлантирмасдан мулоқот олиб бориш; ишга оид материалларни мустақил йиғиш; экспертиза тайинлаган органнинг рухсатсиз экспертиза объектини тадқиқ этиш, унинг тўлиқ ёки қисман

шикастланишига олиб келишини миллий ЖПКга норма сифатида киритишни таклиф қилинган.

Бундан ташқари, экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари баён қилинган нормага гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчинигина эмас, балки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари ҳам киритиш лозим деган хулоса илгари сурилган, ушбу норма процесс иштирокчиларининг тенглигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланган.

ХУЛОСА

Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатларига бағишланган тадқиқот натижасида илмий-назарий хулосалар, тегишли қонунларнинг нормаларини такомиллаштириш, уларни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика назариясини ривожлантириш бўйича тавсиялар:

1. «Махсус билим» тушунчаси «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига қуйидаги мазмунда киритилиши таклиф қилинди: «Махсус билим – терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси мақсадлари учун қўлланиладиган ва жиноятга алоқадор фактик маълумотлар, далилларни замонавий тадқиқот усуллари, техник воситалар орқали топиш, тўплаш, баҳолашни амалга оширишда фойдаланиладиган фан, техника, касб-хунар соҳасидаги, тор йўналишдаги профессионал билим».

2. Махсус билимдан фойдаланишнинг қуйидаги таърифини «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига киритиш таклиф қилинади: «Махсус билимдан фойдаланиш – экспертнинг экспертизадаги идентификацион тадқиқот ва бошқа тергов ҳаракатларидаги ҳамда мутахассиснинг тафтишдаги далолати, тергов ҳаракатларини ўтказишдаги маслаҳати ёки техник ёрдамини ўзида акс эттирувчи билимларидан фойдаланиш».

3. «Экспертиза тадқиқоти усули» тушунчасига «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида қуйидагича таъриф бериш таклиф қилинади: «Экспертиза тадқиқоти усули – муайян кетма-кетликда танлаб қўлланиладиган экспертиза мақсадига эришиш йўлидаги тегишли тизимлаштирилган, пухта ишлаб чиқилган, тан олинган йўл-йўриқлар (ҳаракатлар) тизими».

4. Махсус билимлардан фойдаланиш шакли – жиноят ишини юритишнинг амалий ифодасини кўрсатувчи, асослантирилган мазмуннинг ташқи намоён бўлиши, жиноят ишини очиш ва тергов қилишда қўлланиладиган махсус билимлардан фойдаланишнинг кўринишларидир.

5. Махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва нопроцессуал шакллари мавжуд бўлиб:

процессуал шаклларига – экспертиза, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, тафтиш, экспертни ва мутахассиснинг кўрсатув бериши кирса;

нопроцессуал шаклларига – мутахассиснинг фикрида намоён бўладиган маслаҳати, унинг тергов ҳаракатларга техник ёрдами киради.

6. Махсус билим мезонлари қуйидагилардир: махсус таълим олиш жараёнида олинган; замонавий илм ривожига талабларига жавоб берадиган; Жиноят-процессуал қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, ХМҚОлар фаолиятига ёрдам бериш учун қўлланиладиган билимлардир.

Жиноят-процессуал ва жиноят қонунчилигини ҳамда бошқа қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

7. ЖПКнинг «Айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланувчи 46-моддасидаги ва «Гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланувчи 48-моддаси биринчи қисмидаги «далиллар тақдим этиш,» сўзларидан кейин «экспертни ўз ҳисобидан жалб қилиш» сўзларини киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу норма гумон қилинувчи ва айбланувчини қўшимча равишда ҳуқуқлар билан таъминлаши ҳамда ўзини ноҳақ айбланишдан ҳимоя қилиши баробарида ҳақиқатни аниқлаш жараёнини сифат жиҳатдан оширишга имкон беради.

8. ЖПКнинг «Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 53-моддаси биринчи қисмидаги «ушбу Кодекс 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш» жумласидан кейин «шартнома асосида эксперт хулосасини ва мутахассис фикрини олиш ҳамда уларни жиноят ишига қўшиб қўйиш бўйича илтимоснома киритиш» сўзларини киритиш таклиф қилинади. Ушбу ўзгартириш адвокатнинг маълумот тўплаш имкониятини кенгайтиради.

9. ЖПКнинг ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган 53-моддасига қуйидаги: «Ҳимоячи гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатларни суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг рухсати билан, экспертиза тергов ҳаракати хулосаси юзасидан эса уни ўтказган экспертдан ҳам сўраш ҳамда ёзма ёки нусха кўчириш орқали олиш ҳуқуқига эга» мазмундаги иккинчи қисмни киритиш лозим. Ушбу нормадан келиб чиқиб «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг «Адвокатнинг ҳуқуқлари» деб номланган 6-моддасига тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

10. ЖПКнинг экспертга бағишланган 67-моддасига «кўникма» сўзини, «махсус билимларга эга бўлган» сўзларидан сўнг «ҳамда ишдан манфаатдор бўлмаган» сўзларини киритиш лозим. Чунки эксперт нафақат махсус билимга, балки кўникмага ҳам эга бўлган ва иш натижаларидан манфаатдор бўлмаган шахсдир. Шунда ушбу норма қуйидаги кўринишни олади: «Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган ҳамда ишдан манфаатдор бўлмаган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида чақирилиши мумкин».

11. ЖПК 68-моддага учинчи қисм сифатида эксперт томонидан амалга оширилиши тақиқланган қуйидаги ҳаракатларни киритиш лозим:

«Эксперт:

суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг рухсатисиз экспертиза тадқиқоти учун маълумот тўплаш;

терговчи ёки суднинг ёзма шаклдаги рухсатисиз тадқиқот учун юборилган объектлар шакли ва хусусиятини ўзгартиш мумкин бўлган ҳолларда тадқиқот ўтказиши мумкин эмас».

12. ЖПКнинг «Экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 68-моддаси тўртинчи қисмига «суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги» сўзларидаги «суриштирув» сўзидан олдин «терговга қадар текширув», «суриштирувчи» сўзидан олдин эса «терговга қадар текширув органи мансабдор шахси» сўзларини киритиш мақсадга мувофиқ саналади.

13. ЖПКнинг «Экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 68-моддасининг тўтинчи қисмидан «ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун» сўзларини олиб ташлаш керак, чунки меҳнат фаолияти инсоннинг ўз ихтиёридаги фаолият ҳисобланади. Бундан ташқари, шу қисмнинг «узрсиз сабабларга кўра» сўзларидан кейин «тадқиқот ўтказгач» сўзларини киритиш лозим. Яъни тадқиқот ўтказиб, натижасини билган эксперт тадқиқот натижаси юзасидан хулоса бермаса, гувоҳ маълумотни яширгани сингари жиноий жавобгар бўлиши талаб қилинади. Ушбу нормадан келиб чиқиб, тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 240-моддасини ҳам ўзгартириш зарур.

14. ЖПКнинг 69-моддасининг биринчи қисмини яъни «Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкин» нормасини такомиллаштириш ва унга психологни киритиш лозим, чунки психологнинг ЖПКдаги мақоми амалда белгиланмаган.

15. Мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган ЖПКнинг 70-моддаси биринчи қисмидаги «башарти тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш» нормасидаги «башарти тегишли билимларга эга бўлмаса» сўзларини олиб ташлаш керак, чунки мутахассиснинг жиноят иши бўйича иштироки унинг ихтиёрига боғлиқ ҳолат ҳисобланади.

16. ЖПК 70-моддасининг мутахассиснинг мажбуриятлари акс этган иккинчи қисмига қуйидагича ўзгартириш, яъни: «иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши» сўзларидан сўнг «ишни кўришда қатнашиши, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги билим ва малакасига асосланиб, ўз фикрини (далолатини, маслаҳатини) билдириши шарт» сўзларини киритиш зарур. Шунда мутахассис фаолиятининг натижалари аниқлаштирилади.

17. ЖПКда тафтиш жараёнида мутахассиснинг ёлғон далолатнома берганлиги учун жавобгарлик масаласи очиклигича қолганлиги сабабли, қонуннинг «Мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 70-моддасига қуйидаги мазмундаги учинчи қисмни киритиш таклиф қилинади: «Тафтиш ўтказган мутахассис била туриб нотўғри далолатнома берганлиги, терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги учун жиноий жавобгар бўлади».

18. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Экспертнинг, мутахассиснинг, таржимоннинг, холиснинг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар» деб номланувчи 78-моддасига қуйидаги иккинчи қисмни киритиш лозим: «Экспертнинг гувоҳ сифатида сўроқ қилинганлиги уни рад этиш учун асос бўла ололмайдиган», чунки бу орқали экспертни рад қилиш тартиби янада тушунарли бўлади.

19. «Экспертнинг, мутахассиснинг, таржимоннинг, холиснинг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар» деб номланувчи ЖПКнинг 78-моддаси учинчи қисмидаги «Материаллари ишнинг қўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув ўтказган шахс ушбу ишда эксперт ёки мутахассис сифатида иштирок этишга ҳақли эмас» сўзларидаги «тафтиш сўзидан олдин «экспертиза» сўзини киритиш керак. Чунки экспертнинг хатоси сабабли жиноят иши қўзғатилган ҳолатларда ҳам, эксперт ёлғон хулоса берганлигини кейинчалик англаса-да, жавобгарликдан кўрқиб, фикрини ўзгартирмасликка ҳаракат қилишига олиб келади.

20. Эксперт кўрсатувини далил қаторига киритиш ҳамда бу ҳолатни ЖПКнинг 81-моддаси иккинчи қисмига «экспертнинг хулосаси» сўзларидан кейин «кўрсатуви» сўзини киритиш орқали мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ҳамда тафтиш юзасидан шакллантирилган далолатномани ҳам юридик кучи нуқтаи назаридан ЖПКда далил манбаи сифатида киритиш лозим, чунки унга асосланиб жиноят иши қўзғатилиши, далиллар тўпланиши мумкин. Шу сабабли, ЖПКнинг «Далилларнинг турлари» деб номланган 81-моддаси иккинчи қисмида «эксперт хулосаси ҳамда кўрсатуви» сўзларидан кейин «тафтиш юзасидан мутахассиснинг далолатномаси» сўзларини киритиш лозим.

21. ЖПКга «Исбот қилиш жараёнида илмий-техник воситалардан фойдаланиш» номли 94¹-моддани қуйидаги мазмунда киритиш таклиф қилинади:

«Жиноят иши юзасидан исбот қилиш жараёнида фойдаланиладиган илмий-техник воситалар, жиноят ишини юритувчи орган ва эксперт ҳамда мутахассис томонидан, уларнинг ўз фаолият йўналиши ва процессуал мажбуриятларини бажариши учун қўлланилишига рухсат берилади. Қўлланилган илмий-техник воситалар қуйидаги талабларга жавоб берсагина мақбул деб топилади:

1) қонун билан кўрсатилган ёки унинг норма ва принципларига зид бўлмаса;

2) илмий тадқиқот учун яроқли бўлса;

- 3) жиноят ишини юритишда самарали бўлса;
- 4) хавфсиз бўлса.

Жиноят ишини юритувчи шахслар томонидан фойдаланилган илмий-техник воситалар, уларни қўллаш шартлари ва тартиби, техник воситалар қўлланилган объект, эришилган натижалар процессуал ҳаракатлар ёки суд муҳокамаси баённомаларида акс эттирилади». Чунки техник воситалар ёрдамида маълумотлар тадқиқ этилади ва инсон тақдири ҳал қилинади.

22. Амалиётда тажрибали экспертлар жиноят иши учун муҳим бўлган, тадқиқотда кўрсатиш зарур ҳисобланган ҳолатларни ҳам савол сифатида экспертиза хулосасида кўрсатиш ҳолатлари бўлгани, бу эса амалда қўшимча, қайта экспертизалар тайинланишининг олдини олиш ва ҳолатга ҳар томонлама жавоб олиш имконини бергани боис, ЖПКнинг 172-моддасига эксперт ташаббуси билан боғлиқ қуйидаги мазмундаги учинчи қисмни киритиш таклиф қилинади: «Экспертиза ўтказувчи эксперт экспертиза тайинлаш қарори ёки ажримда акс этмаган, лекин жиноят ишини очишда муҳим ҳисобланган ҳолатлар бўйича ўз саволини ташаббус асосида киритиб, хулосада уларга ҳам жавоб бериши мумкин». Шундан сўнг ЖПК 172-моддасининг тўртинчи қисми сифатида «ҳуқуқий масалалар юзасидан экспертиза тайинлаш ва экспертга саволлар бериш тақиқланади» мазмунидаги қисм киритилиши лозим. Чунки, эксперт ҳаттоки юридик маълумотга эга бўлган ҳолатда ҳам, ушбу баҳо экспертиза тайинлаган орган ваколатига кирганлиги боис, ҳуқуқий масала юзасидан экспертиза тайинлаш ва экспертга саволлар бериш тақиқланиши керак.

23. ЖПК 173-моддасининг гиёҳвандлик воситалари ва унинг турларига бағишланган 7-бандини ЖКнинг XIX яъни «Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар» деб номланган боби сингари ҳамда 246-моддасида ифодаланган кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи моддаларни қўшиш орқали шакллантириш таклиф қилинади. Шунда ЖПКнинг 173-моддаси 7-банди қуйидагича мазмун касб этади: «гиёҳвандлик воситалари ва психотроп, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи моддалар ва уларнинг турлари мавжудлигини».

24. ЖПКнинг 173-моддасида келтирилган экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган тўққизта ҳолатни ижтимоий муносабатлар ривожланиб боргани сайин қуйидаги мазмунда кенгайтириш талаб қилинади:

«10) сўзлашув қурилмалари, маълумот сақловчи воситалар, компьютер техникаси ёки зарар келтирувчи дастурлардан фойдаланиб жиноят содир этилганлигини аниқлаш талаб қилинганида;

11) экология соҳасидаги жиноятлар содир этилганида экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт».

25. ЖПКнинг «Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлиги» деб номланган 173-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш лозим: «Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатларда маълумотлар ва объектлар тўлиқ бўлганидан бошлаб дарҳол ёки уч кун

ичида экспертиза тайинланиши ва экспертга тадқиқот ўтказиш учун юборилиши шарт».

26. ЖПКнинг «Текшириш объектлари» деб номланган 175-моддасида электрон маълумотлар текшириш объекти сифатида назарда тутилмагани сабабли уни қуйидаги мазмунда ўзгартириш лозим:

«Ашёвий далиллар, эксперт текшируви учун намуналар, бошқа моддий объектлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳужжатлар, электрон маълумотлар шунингдек экспертиза ўтказилаётган иш материаллари текшириш объектлари бўлиши мумкин. Эксперт текширувлари тирик одамга нисбатан ҳам ўтказилади».

27. ЖПКнинг «Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари» деб номланган 179-моддаси номланиши ва биринчи қисмига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳуқуқлари баробарида процессуал тенгликни таъминлаш мақсадида гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари ҳам киритиш лозим. Шунда тенглик принципининг амали янада кучаяди.

28. ЖПКнинг экспертиза хулосаси деб номланган 184-моддасига қўшимча равишда янги 184¹-модда киритиб, унда эксперт кўрсатуви ҳақида маълумот бериш мақсадга мувофиқ. Зотан, қонунчилигимизда эксперт кўрсатуви билан боғлиқ қатор масалалар очик қолган. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, 184¹-моддани қуйидаги тахрирда баён этиш зарур:

«184¹-модда. Эксперт кўрсатуви.

Эксперт кўрсатуви – эксперт хулосаси тақдим қилинганидан сўнг ушбу хулосадаги ҳолатларни тушунтириш ва айрим жиҳатларни аниқлаш юзасидан берилган кўрсатув. Эксперт ёлгон кўрсатув берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади».

29. Амалиётда хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат берганлик юзасидан экспертнинг сўроқ қилиниши ҳолатлари юзага келаётганлиги сабабли, ушбу ҳужжат юзасидан экспертни сўроқ қилиш мумкин эмас деган нормани ЖПКнинг «Экспертни сўроқ қилиш» деб номланган

186-моддасига қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм киритиш лозим: «Эксперт фақат ўзи берган хулоса ва ўтказган эксперт текширувлари юзасидан сўроқ қилиниши лозимлиги сабабли, уни хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисида ҳужжат берганлиги юзасидан сўроқ қилиш тақиқланади». Чунки ушбу ҳужжатни шакллантиришда эксперт хулоса ҳам бермайди, эксперт текшируви ҳам ўтказмайди.

30. ЖПКга «Экспертиза хулосаси ва унинг натижалари ҳақида маълумот олиш» деб номланган 187¹-модда киритилиши лозим. Унга кўра, модда қуйидаги мазмун касб этади: «Эксперт хулосаси ва унинг тадқиқот натижалари ҳақида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, ҳимоячилар ва вакилларга зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этишга имкон берилади.

Хавфсизлик мақсадида хужжатларнинг ҳаммасини ёки айримларини бера олмасликни ўзида ифода этувчи қарор ёки ажрим чиқарилиши мумкин». Ушбу модданинг киритилиши ЖПКда иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи муҳим норма бўлиб хизмат қилади.

31. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси департаментининг номи ўзгарганлиги, бундан ташқари, «худудий органлар мутахассислари» тушунчаси фақат молия органларига нисбатан қўлланилганлиги боис 187³-модданинг биринчи қисмини қуйидагича баён қилиш зарур: «Тафтиш ўтказиш учун тайинланадиган шахслар сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг, давлат солиқ хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва уларнинг худудий органларининг мутахассислари иштирок этиши мумкин».

32. ЖПК 187⁷-моддасидаги тафтишнинг муддатини ўттиз календарь кунгача қилиб ўзгартириш лозим. Чунки муддатларнинг аниқ белгиланиши айрим оддий масалаларда, масалан, бир кунлик текширишларда ҳам 30 кунлик муддат белгиланишига олиб келади.

33. ЖПКнинг 187⁸-моддаси тўртинчи қисмидаги «Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига топширилади, у далолатноманинг барча нусхаларини олганлиги тўғрисида олиш санасини кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт» сўзларидан кейин «далолатноманинг иккинчи нусхаси тафтиш ўтказган шахсда қолади» мазмунида қўшимча киритиш таклиф қилинади. Шунда далолатномани сохталаштиришнинг олди олиниши таъминланади.

34. ЖПКнинг «Қўшимча ёки қайта тафтиш» деб номланувчи 187⁹-моддаси биринчи қисмида қўшимча тафтишни изоҳлашда қўлланилган «камчилик» сўзини «бўшлик» сўзи билан алмаштириш ҳамда қўшимча тафтишни ким ўтказиши лозимлигини баён қилиш таклиф қилинади. Шунда ушбу қисм қуйидагича ўзгаради: «Қўшимча тафтиш тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномада мавжуд бўлган бўшлиқликларни тўлдириш ва иш бўйича янгидан аниқланган ҳолатларни аниқлаштириш учун тайинланади ҳамда шу ёки бошқа мутахассис томонидан ўтказилади».

35. ЖПКда тафтиш ўтказган мутахассисни сўроқ қилишга бағишланган модда акс эттирилмаганлиги сабабли, қонунга қуйидаги мазмунда 187¹²-модда киритиш таклиф қилинади:

«187¹²-модда. Тафтиш ўтказувчи мутахассисни сўроқ қилиш

Мутахассис далолатномаси етарли даражада аниқ бўлмай, камчиликларини тўлдириш учун қўшимча текшириш ўтказишга зарурат бўлмаса ёки мутахассис фойдаланган усулларга аниқлик киритиш зарур бўлиб қолса, суриштирувчи, терговчи ёки суд мутахассисни ушбу Кодекснинг 98-108-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда сўроқ қилиш ҳуқуқига эга.

Мутахассис фақат ўзи берган далолатнома ва шахсан ўтказган текширувлари юзасидан сўроқ қилиниши мумкин.

Мутахассисни у далолатнома бергунига қадар сўроқ қилиш тақиқланади».

36. ЖПКнинг «Намуналарнинг турлари ва уларни олиш усуллари» деб номланган 188-моддаси учинчи қисмидаги «Намуна тариқасида хом ашё, маҳсулот ва бошқа материаллардан модданинг турга оид ёки ўзига хос физик ёхуд кимёвий хоссаларини акс эттирувчи намуналар олиниши мумкин» мазмунидаги нормада «маҳсулот» сўзидан кейин «пул белгилари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, захарли, тез ёнувчи моддалар, йўл-транспорт ҳодисасига оид намуналар ҳамда» сўзларини киритиш лозим.

37. ЖПКнинг «Намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органлар» деб номланган 189-моддаси алоҳида касб маҳоратини талаб қилмаса, зарур ҳолатларда эксперт жалб қилиниши мумкинлиги баён қилинган бўлса-да, нуманалар олишда алоҳида касб маҳорати талаб қилинганда эксперт хизмати талаб қилинмаслиги ажабланарли ҳолдир. Буни инобатга олиб, ушбу модданинг иккинчи қисмидаги «шифокор» сўзидан кейин «эксперт» сўзини киритиш лозим.

38. ЖПКнинг «Намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органлар» деб номланган 189-моддасига намуналар олиш яланғоч бўлишни тақозо этган ёки алоҳида касб маҳоратини талаб қилган ҳолатларда шифокор ёки бошқа мутахассис ўрнига суриштирувчи, терговчи, суд намуна олган тақдирда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги баён қилинмагани сабабли, ушбу ҳолатда 189-моддага «мазкур талабларга риоя қилинмаган ҳолда олинган намуналар далилий аҳамиятини йўқотади» деган учинчи қисм киритилиши мақсадга мувофиқ.

39. Намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органлар деб номланувчи 189-моддага «намуна олиш жараёнида холислар, зарурат бўлган тақдирда таржимон ҳам иштирок этиши мумкин» мазмунидаги тўртинчи қисм киритилиши лозим, зеро бу амалга оширилган тергов ҳаракатининг қонуний бўлишига, тилни билмайдиган шахслар намуна олувчи шахсни тушунишига имкон беради.

40. ЖПКнинг 193-моддаси иккинчи қисмига яъни «Мурдадан, шунингдек хом ашёлардан, маҳсулотлардан, бошқа материаллардан намуналар олиш эксгумация қилиш, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш йўли билан амалга оширилади» мазмунидаги нормага «тинтувдан» сўзидан кейин «кўздан кечириш» сўзларини киритиш лозим, чунки намуна олишнинг энг муҳим босқичи айнан кўздан кечириш жараёнида амалга оширилади.

41. ЖПКнинг «Суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан намуналар олиш тартиби» деб номланувчи 195-моддасига иккинчи қисм киритиб, уни қуйидаги мазмунда баён қилиш лозим: «Эксперт мураккаб ва олиниши қийин бўлган ҳамда ўз хусусиятини тез йўқотувчи ашёлар, суюқликлар, материаллардан намуна олади. Намуна олинувчи материал, маҳсулотнинг миқдори фақатгина бир марталик экспертиза ўтказишга етадиган миқдорда ёки ундан кам бўлганида ушбу намунани эксперт олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Намуна олиш жараёнида эксперт иштироки таъминланмаган ёки

бунинг имкони бўлмаганда жараён видеоёзувга олиниши шарт». Шундагина намуна олиш тартибига амал қилинган бўлади ва юзага келган эксперт саволларига ўрнида жавоб олиш имконияти таъминланади.

42. ЖПКнинг «Эксперт томонидан тажриба учун намуналар олиш» деб номланувчи 195-моддаси учинчи қисм киритиб, уни қуйидаги мазмунда баён қилиш лозим: «Бунда оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавfli бўлмаган илмий-техникавий воситалардан фойдаланилиши шарт». Чунки эксперт тажриба учун инсондан ДНК (ДНК эксперт томонидан олинадиган намуна ҳисобланади) ва бошқа намуналар олиши, бу жараён хавфсиз ҳамда оғриқ бермайдиган бўлиши талаб қилинади.

43. ЖПКнинг «Эксперт томонидан тажриба учун намуналар олиш» деб номланган 195-моддасига тўртинчи қисм киритиб, уни қуйидаги мазмунда баён қилиш лозим: «Экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши шарт бўлган ҳолатлар юзасидан намуналар олиниши талаб қилинганда эксперт томонидан намуна олиниши мақсадга мувофиқ». Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖПКнинг 195-моддасининг амалдаги 2-,3-,4-қисмлари 5-,6-,7-қисмларга ўзгаради.

44. ЖПКда намуналар олиш тартиби акс эттирилган бўлса-да, уларни утилизация қилиш, йўқ қилиш тартиби акс эттирилмаган. Шу ҳолатларни инобатга олиб, қонунга 197¹-модда киритиб, унда олинган намуналарни утилизация қилиш тартибини акс эттириш ва ушбу жараёнда кимлар иштирок этиши зарурлигини баён қилиш таклиф қилинади.

45. Дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби деб номланувчи 364-моддага янги 5-банд сифатида «экспертиза ўтказилиши шарт бўлган ҳолатларда бу хулосани олиш муддати терговнинг умумий муддатидан ортиб кетадиган бўлса» деган қонун киритиш лозим. Бу ўзгартириш орқали жиноят ишини тўхтатиш асослари кенгайиши баробарида ҳақиқатни аниқлаш имконияти янада ошади.

46. «Жиноят ишини юритишни тўхтатиш» деб номланган 399-модда диспозициясига хулосани олиш муддати суд муҳокамасининг умумий муддатидан ортиб кетадиган бўлса, жиноят ишини тўхтатиш мумкин деган мазмунда қўшимча киритиш лозим. Унга мувофиқ, модданинг 1-қисмидан кейин: «Экспертиза ўтказилиши шарт бўлган ҳолатларда бу хулосани олиш муддати суд муҳокамасининг умумий муддатидан ортиб кетадиган бўлса судья ушбу ишни юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради» мазмунида қўшимча қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

47. ЖПКнинг «Жиноят ишини юритишни тўхтатиш» деб номланган 399-моддасининг 2-қисмидаги «айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланганда, судья айбланувчи соғайгунча жиноят ишини юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради» деган нормага «суд-тиббий экспертиза» сўзларидан сўнг «суд психиатрия» сўзларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки психиатрик экспертиза хулосаси ҳам жиноят ишини тўхтатишга сабаб бўлиши мумкин.

48. ЖПКга «Эксперт қасамёди» номли 441¹-модда киритиш лозим ва уни қуйидаги мазмунда киритиш лозим:

«Эксперт экспертиза тайинлаган судья ихтиёрига асосан қасамёд қилишга жалб қилиниши мумкин. Эксперт қасамёди эксперт хулосаси берилгандан кейин амалга оширилади, қасамёднинг хулоса берилгандан кейин қабул қилиниши хулосанинг объектив бўлишини, виждонан ва махсус билимлардан келиб чиқиб берилишини таъминлайди. Экспертни сўроқ қилишдан олдин раислик қилувчи унинг шахсини аниқлайди ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради. Сўнгра раислик қилувчи гувоҳга барчанинг олдида ошкора равишда қуйидаги мазмунда қасамёд қилишни таклиф этади: «Экспертиза тадқиқоти юзасидан ўзимга маълум бўлган ҳамма нарсани судга айтиб беришга қасамёд қиламан. Фақат ҳақиқатни, барча ҳақиқатни гапириб бераман, ҳақиқатдан ўзга нарсани гапирмайман». Қасамёд матни эксперга унинг мажбурияти ва жавобгарлиги тушунтирилгани ҳақидаги гувоҳнинг тилхати билан биргаликда суд мажлисининг баённомасига илова қилинади.

Агар эксперт бир неча экспертиза турлари бўйича хулоса бериш учун жалб қилинса ва уларнинг бири учун қасамёд қабул қилинган бўлса, шунинг ўзи етарли ҳисобланади».

49. Экспертга ва унинг оила аъзоларига жиноят иши юзасидан тажовуз қилинишининг олдини олиш ва унинг адолатли хулоса беришини таъминлаш мақсадида Жиноят кодексининг «Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашуш» деб номланган 236-моддасига «суриштирувчи» сўзидан олдин «эксперт» сўзини киритиш лозим.

50. Жиноят кодексининг «Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши» деб номланувчи 240-моддаси биринчи қисмидан яъни «Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов вақтида ёки судда гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришни ёхуд экспертнинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши» жумласидан «ёки бу ишдан бўйин товлаши» сўзларини олиб ташлаш керак, яъни мажбурий меҳнат элементини олиб ташлаш керак.

51. «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг «Суд экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари» деб номланувчи 17-моддаси биринчи қисмидаги «Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказиш асосларидир» деган жумладаги «суриштирувчи» сўзидан олдин «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси» сўзларини киритиш лозим. Шунда ЖПК ва махсус қонуннинг тегишли моддалари бирхиллашади.

52. «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг «Суд экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари» деб номланувчи 17-моддасига қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм киритиш зарур: «Экспертизаларни ўтказиш муддатлари экспертизаларнинг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 30 кунгача муддатга белгиланади. Мазкур муддат экспертиза

тайинлаган терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, судьянинг рухсати билан тергов ва суд муҳокамаси муддати доирасида муайян муддатга узайтирилиши мумкин». Ушбу норма орқали экспертиза ўтказиш муддатларини сунъий равишда узайтиришнинг олдини олиш баробарида ҳаммага бир хилда амал қилиш имкониятини беради.

Суд-тергов амалиётига оид илмий мулоҳаза ва тавсиялар:

53. Экспертиза текшируви учун олинган намуналар эркин, нисбий эркин, экспериментал бўлиши баробарида, экспертиза натижаси акс этган тадқиқотга эркин намуналар юборилиши талаб қилинади. Чунки амалда эркин намуналарнинг тақдим қилинмаслиги экспертизанинг тўхталишига сабаб бўлиши мумкин.

54. Далилларни тақдим этишда 3D форматдаги суратга олиш воситаларидан фойдаланиш ва ушбу усул орқали маълумотларни экспертиза текшируви учун бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ва экспертиза текшируви учун намуналар олиш жараёнини, далил олиш манбаи, жойи ва вақтини 3D форматда фотосурат кўринишида акс эттириш лозим. Ушбу амалиёт ва усул ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг қўлланилади ва қайси далил қайси ҳудуддан олинганлиги, жиноят содир этилган жой ва унга тегишли элементлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкониятини оширади.

55. Далиллар намуналарини 3D принтерлар орқали шакллантириш ижобий натижа беради. Бундай моделлаштириш тури эксперт ва терговчиларда мавжуд ҳолат ҳақида фикр шакллантириш, тасаввур ҳосил қилишга ва улар ҳолатни тўғри тушунишига имкон беради.

56. Мутахассис ва эксперт фаолиятида дронлардан (учувчисиз бошқариладиган мосламалардан) фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳолат жиноят жойини обзорли расмга олиш ва жиноят содир этилиши кетма-кетлигини англаш имкониятини беради. Экспертга эса экспертиза текшируви учун олинган намуналарнинг қаердан олинганлиги, жиний ҳаракатнинг тизимини баҳолашда ёрдам беради.

57. Ички аудит, яъни перманент тафтиш ёки доимий тафтиш қилиш имкониятини берувчи тартибни ташкилотларда жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу аудит (тафтиш) ташкилотдаги молиявий-хўжалик масалаларини доимий равишда назорат қилиб боради ва ноқонуний ҳолатлар, яъни суистемолликларни тезда, ўз вақтида аниқлаш имконини беради. Ушбу текшириш турининг жорий қилиниши ҳамма корхона, муассаса, ташкилотларда процессуал тафтиш ўтказишни осонлаштиради, ҳолатга тезкор ва ҳар томонлама баҳо бериш имкониятини беради.

58. Тафтиш тайинловчи органлар тафтиш тайинлаш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериши талаб қилинади: тафтишчи ўзи ўтказётган молиявий, хўжалик, тадбиркорлик, бухгалтерлик, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида пухта билимга эга бўлиши соҳанинг баланд пастини пухта билиши; ишдан манфаатдор бўлмаслиги; қариндошлари масалалари кўрилатган мутахассисларни ишга жалб қилмаслиги; иш ҳажми, бир неча

текширилаётган ташкилотлар бир-биридан алоҳида, узоқ ҳудудларда жойлашганда бир неча мутахассисни жалб қилиш; текшириш бир неча соҳа мутахассиси фаолиятини талаб қилганда уларни ўз вақтида жалб қила олиш; соҳа мутахассисларини тўғри танлай олиш ва уларга бериладиган ойдинлаштиришга қаратилган саволларни, вазифаларни тўғри тақсимлаш ва мақсадни тўғри тушунтира олиш; тафтишчининг тафтиш ўтказиш бўйича малакаси, қобилияти, мутахассислиги, қандай мураккаб ишларда ишлаганлиги, аввалги ишларида амалга оширган хатоликларини билиши; тафтиш ўтказиш учун керак бўладиган муддатда ҳаракатларни амалга оширишга улгуриши.

59. Амалиётда экспертлар ҳамда терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьялар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва уларнинг ҳаракатларини ягона тизимга солиш мақсадида экспертларга электрон тарзда экспертиза тайинлаш ва натижаси бўлган хулосани олиш тартибини жорий қилиш лозим. Ушбу тизим «E-expert» деб номланиб, у орқали экспертиза тайинланиши ҳамда тадқиқот натижаси бўлган хулоса электрон тарзда тайинлаган органга юборилиши мумкин бўлади. Шунда ҳужжат билан танишиш имконияти тезлашади ва охирида электрон хулоса олиб, уларни тезда баҳолаш имкониятини беради. Бу ҳолат экспертиза тайинлаш жараёни сифатини ва тезлигини таъминлашга ёрдам беради.

Бу порталда яна экспертиза тайинлаш ваколатига эга бўлган шасхлар ўз саволларини, яъни маълум бир объектни ташкилотда тадқиқ этиш мумкинми, кимлар шу соҳада эксперт эканлиги (экспертлар рўйхати), қандай усуллар ёрдамида тадқиқот ўтказилиши ҳамда асосан ушбу ҳолатда қандай саволлар бериш юзасидан маслаҳат олиш имконияти пайдо бўлади.

60. Экспертиза марказларига мурожаат қилиш тизимини соддалаштириш, айрим экспертиза турларини ягона бир тизимга бирлаштириш, масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидаги Суд тиббий экспертиза муассасаларини, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази, Ҳ.Сулаймонова номидаги экспертиза марказини ягона бир қўмигага бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, ўз навбатида, ҲМҚОлар томонидан экспертларга мурожаат қилиш тизимини осонлаштириш имконини беради. Энг асосийси, ягона тизим экспертлар амалиётининг бир хиллигини таъминлашга хизмат қилади.

61. Экспертиза муассасаси раҳбари экспертга унинг танлаган тадқиқот усули нотўғрилигини исботлаб, тўғри йўналишда иш олиб боришни таклиф этиши мумкин. Аммо, раҳбар экспертга у ёки бу хулоса бериш кераклигини уқтиришга, талаб қилишга, хулосани ўзгартиришга ҳақли эмас. Айни дамда эксперт ўзи танлаган йўли хатолигини била туриб ҳаракат қилишига йўл қўйиш ҳам тўғри эмас. Мазкур ҳолатда раҳбар бир неча экспертлар иштирокида хулосасини таҳлил қилиб, зарур тушунтириш берганидан кейин ҳам эксперт ўз билганича иш тутса, мазкур хулоса терговчига юборилиши баробарида, раҳбарнинг хулосадан ёки унинг қайси қисмидан норози эканлигини ўзида акс эттирувчи далолатнома ҳам қўшиб юборилишини

белгиловчи тартиб жорий этилиши лозим. Бундай далолатнома процессуал акт бўлмай, ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.

62. Жиноятлар замонавий усул ва техник воситалардан фойдаланиб содир этилаётган бир пайтда, телефон ёки қўлбола воситалар орқали (портатив воситаларни қўллаб) жиноят белгиларини тезкор аниқлашга қаратилган: телефоннинг CSI Marker дастури орқали маълум бир рангдаги қўл телефони рақамлари орқали далиллар рақамланиши ва суратга олиш, Ruler дастуридан далилларни ҳақиқий ҳажмини кўрсатувчи линейка сифатида фойдаланиш, Cycloramic дастури орқали ёпиқ ёки очиқ майдонни 3D форматда расмга олиш; Polililight FLARC ультрабинафша воситаси орқали кундузи ёруғда ҳам кўзга кўринмайдиган, излар ва далиларни топиш; ProScope Micro Mobile қўл телефонига уланадиган воситаси орқали микро объектларни катталаштириб расмга олиб интернет орқали жиноят жойидан экспертиза тадқиқот лабораториясига узатиш; Flir қўл телефонига уланадиган восита орқали терма изларни аниқлаш имкониятини берадиган тизимни ривожлантириш керак.

63. Сўроқ қилиш жараёнида бир томоннигина кўрсатувчи ойна ортида мутахассис психолог хизматидан фойдаланиш, ёлғон кўрсатув берганликни аниқловчи детекторлардан фойдаланиш ушбу жараён сифатига ижобий таъсир қилиши баробарида жиноят ишини юритаётган шахснинг тегишли хулосани шакллантиришига имкон беради.

64. Экспертиза тадқиқоти ўтказилиши жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг иштирокини таъминлаш, яъни ойна ортида тўлиқ жараённи кўриб туриш учун шароит яратиш лозим. Ушбу тизим кўплаб давлатларда ижобий натижа бериши баробарида эксперт хулосасининг юридик кучини янада мустаҳкамлайди, ишончилигини оширади, ортиқча саволлар туғилишининг олдини олади.

65. Экспертиза текширувига намуналар олиш учун ташкил қилинган кўздан кечириш жараёнини криминалистик нуқтаи назаридан 12 босқичга бўлиб ўтказиш таклиф қилинади: тайёргарлик, ҳодиса содир бўлган жойга келиш, жиноят содир этилган жойни ҳимоялаш ва чегаралаш воситаларини қўллаш, дастлабки кўздан кечиришни бошлаш, жиноят жойини ёзма тасвирлаш чораларини кўриш, жиноят жойини суратга олиш, жиноят жойининг схематик тасвирини тайёрлаш, ашёвий далилларни тўплаш ва белгилаш чораларини кўриш, яқунловчи кўздан кечириш, жиноят жойини бўшатиш. Ушбу босқичлар кўздан кечиришнинг сифатли ўтказилишини таъминлайди.

66. Тафтиш доирасида мутахассис томонидан тузилган далолатномага қуйидаги ҳужжатларнинг илова қилиниши мақсадга мувофиқ саналади: моддий бойликларнинг текширилганлиги маълумотлари сақланган ҳужжат; олдинги текширишларда қонунбузарликлар ҳолатлари аниқланган ҳужжатлар, масалан, инвентаризация комиссияси хулосалари; моддий жавобгар бўлган шахсларнинг камомаднинг сабаблари ҳақидаги тушунтиришлари; моддий жавобгар шахснинг олдинги иш жойларидан

бўшаганлик сабаблари акс этган шахсий ҳужжатларидан кўчирма; моддий жавобгарлик юклатилганлик ҳужжатлари.

67. Тафтиш далолатномаснинг мазмунига қўйилган талаблар қуйидагиларда намоён бўлади: далолатномада аниқ фактлар, текширилаётган шахсларнинг аниқ ҳаракатлари баён қилинади; далолатнома бирламчи ҳужжатларга асосланади ва уларга ҳавола қилинади; ҳар бир тафтиш натижасида аниқланган маълумот охиригача ва ҳар томонлама текширилади ва ҳар ҳолат тўлиқ баён қилинади; далолатнома аниқ ёзилиши, суриштирувчи, терговчи ва у билан танишадиганлар учун тушунарли тилда ёзилиши, процессуал ҳужжат талабларига тўлиқ жавоб бериши талаб қилинади.

68. Ҳар бир экспертиза турини ўтказиш ваколатига эга бўлган экспертлар мутахассислиги масаласини қайта кўриб чиқиш жуда муҳим саналади. Бир турдаги экспертизани масалан, хатшунослик экспертизасини филолог ва юрист бажаради. Ушбу икки соҳа бир-биридан фарқ қилса-да, улар хатшунос эксперт бўла олишади. Амалда ушбу масала қайта кўриб чиқишга муҳтождир.

69. Ҳар бир экспертиза тури бўйича стандартлар яъни тадқиқот ўтказиш учун тақдим этиладиган объектларнинг минимал миқдорини белгилаш бўйича тартиб ишлаб чиқиш талаб қилинади. Ушбу стандартлар эксперт хулосасига қўйилган халқаро стандартлардан келиб чиқиб ишланиши лозим.

70. Ривожланган хорижий мамлакатларда бўлгани каби юртимизда ҳам экспертлар рўйхати тузилиб, уни тизимлаштириб, ривожлантириб бориш тизими жорий қилиниб, тартиби белгиланганда, Ўзбекистонда у ёки бу мутахассисликлар бўйича фаолият юритаётган шахслар ва уларнинг имкониятлари ҳақида тезкор маълумот олиш ҳамда уларнинг махсус билимлари чегарасини аниқлаш ҳамда уларга мурожаат қилиш имкониятини берарди. Ушбу рўйхатнинг шакллантирилиши натижасида терговчи ёки суд экспертни тайинлагандан бошлаб тарафлар унинг кимлигини билиб олиши ва уни тезкор рад қилиши имкони пайдо бўлаши баробарида, экспертларда рақобат ҳиссини уйғотади, бу эса уларнинг ойлик иш ҳақи, обрўйига ҳам таъсир қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Yu.25.01 ПО ПРИСВОЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ВНУТРЕННИХ ДЕЛ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

АСТАНОВ ИСТАМ РУСТАМОВИЧ

**ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ И КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ЗНАНИЙ ПО УГОЛОВНЫМ
ДЕЛАМ**

**12.00.09 – Уголовный процесс; криминалистика,
оперативно-розыскная деятельность и судебная экспертиза**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук (DSc)

Ташкент – 2018

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.3.DSc/Yu17.

Диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) и Информационно образовательном портале «Ziynet».

Официальные оппоненты: **Иногомжонова Зумрат Фатхуллаевна**
доктор юридических наук, профессор

Тулаганова Гулчехра Захитовна
доктор юридических наук, профессор

Муродов Бахтиёржон Баходирович
доктор юридических наук, доцент

Ведущая организация: **Институт проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан**

Защита докторской диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Yu.25.01 по присвоению ученых степеней при Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан « ___ » _____ 2018 года в ___ часов (Адрес: 100197, г. Ташкент, улица Интизор, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии Министерства внутренних дел (зарегистрировано за № ____). (Адрес: 100197, г. Ташкент, улица Интизор, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Автореферат диссертации распространен « ___ » _____ 2018 года.

(Протокол от « ___ » _____ 2018 года реестровый № ____).

У.Х. Мухамедов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

И.Ю. Фазилов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, доцент

А.Г. Закирова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире активно растут показатели терроризма, торговли людьми, незаконного оборота наркотических средств и преступлений в сфере информационных технологий. По имеющимся сведениям, за последнее время в результате совершения 1787 террористических актов погибло 13759 человек, пострадали 16683 человек¹, в 2021 году в связи с ростом числа киберпреступлений на борьбу с ними запланировано выделение 6 триллионов долларов США², а ежегодно от воздействия наркотических средств преждевременно умирают 190 000 человек³. В сегодняшней обстановке борьбы с такими преступлениями из-за возросшей потребности является актуальным совершенствование института использования специальных знаний по уголовным делам. Системный анализ применения специальных знаний по уголовным делам требует расширения применения возможностей новых видов экспертиз, высоких технологий (hi-tech), ревизий, получения образцов для экспертного исследования.

В мире ощущается необходимость анализа уголовно-процессуальных и криминалистических аспектов использования специальных знаний по уголовным делам, применения тактических методов использования возможностей экспертов и специалистов, создания действенных механизмов обеспечения прав и свобод граждан в процессе экспертизы, что требует проведения глубоких научных исследований. Также важное значение имеет поиск научно-теоретических и практических решений таких вопросов, как отсутствие в нормах законодательства определения «специальных знаний» по уголовным делам, необходимость совершенствования порядка использования специальных знаний адвокатом, создание новых механизмов обеспечения безопасности эксперта, совершенствование порядка получения образцов для экспертного исследования, укрепление гарантий равноправия участников уголовного процесса.

В нашей республике проводятся широкомасштабные мероприятия в целях гарантированного обеспечения прав и свобод человека, совершенствования процесса выявления преступлений. В частности, в соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах предпринимаются системные меры по уточнению порядка запроса и получения со стороны адвоката письменных заключений экспертов, справок-рекомендаций специалистов, необходимых для оказания юридической помощи в досудебном и судебном производстве⁴; недопущению использования в качестве доказательств полученных с нарушением процессуального законодательства показаний, экспертных заключений; совершенствованию судебно-экспертной деятельности на основе

¹ vavilon.ru/statistika-terrorizma/#statistika-terrorizma-v-mire.

² www.csoonline.com/article/3153707/security/top-5-cybersecurity-facts-figures-and-statistics.html.

³ Всемирный доклад о наркотиках 2017 год. www.unodc.org/wdr2017/field/WDR_Booklet1_Exsum_Russian.pdf.

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // www.lex.uz.

международных стандартов (внедрение стандарта «ISO/IEC 17025»); разработке межведомственной электронной системы для отслеживания сроков и качества проведения судебной экспертизы; укреплению материально-технической базы судебной экспертизы; внедрению новых видов судебной экспертизы⁵; упрощению процедуры проведения процессуальных действий путем электронного сбора доказательств и проведения экспертиз; внедрению конкретных критериев и принципов проведения экспертизы и ревизии в досудебном и судебном производстве; уточнению процессуального статуса специалиста в досудебном и судебном производстве, придание его заключению процессуального значения⁶. Это требует проведения инвентаризации законодательства об использовании специальных знаний по уголовным делам, совершенствования правовых механизмов использования специальных знаний, имплементации положений международно-правовых документов и положительных аспектов зарубежного законодательства в национальное законодательство нашей страны. В особенности, актуальной задачей является определение конкретных критериев и процедур проведения экспертизы и ревизии в судебном и досудебном производстве.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит исполнению норм Уголовно-процессуального кодекса (1994), Уголовного кодекса (1994), Таможенного кодекса (2016), законов «О судебной экспертизе» (2010), «Об административных процедурах» (2018), «Об адвокатуре» (1996), «О противодействии коррупции», указов Президента от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах», от 22 января 2018 года № УП-5308 «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий».

Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и техники в республике. Настоящая диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁷. Научные исследования отдельных аспектов использования специальных

⁵ Указ Президента Республики Узбекистан от 22 января 2018 года № УП-5308 «О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития республики узбекистан в 2017 — 2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» // www.lex.uz.

⁶ Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года № ПП-3723 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» // www.lex.uz.

⁷ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации был освещен на основе следующих источников: www.jstor.org; <http://www.apa.org>; www.ucl.ac.uk/jill-dando-institute/forensic-sciences; warwick.ac.uk/fac/soc/law/research/centres/cjc; www.bournemouth.ac.uk; www.tru.ca; www.ucl.ac.uk; www.rwu.edu; www.utas.edu.au; en.nagoya-u.ac.jp; www.u-tokyo.ac.jp/en; www.utoronto.ca; www.yale.edu; aliph.library.it; www.harvard.edu; www.cam.ac.uk; www.ox.ac.uk; <https://elt.oup.com>; www.psychiatry.org; spbu.ru; www.msu.ru; www.unr.edu; www.aafs.org; www.ams.org; www.allacademic.com; www.northwestern.edu.

знаний по уголовным делам проводятся в ведущих научных центрах и образовательных учреждениях мира, в частности в «Centre for Forensic Science» (Нортумбрийский университет, Великобритания), «Criminal Justice Centre» (Уорвикская Школа Права, Великобритания), «Bournemouth University» (Англия, графство Дорсет), Thompson Rivers University (Канада), «University College London» (Англия), Roger Williams university (Бристоль, США), University of Tasmania (Австралия), Академия Министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Узбекистан).

В связи с проведенными в мире исследованиями по использованию специальных знаний по уголовным делам были получены следующие результаты: разработан алгоритм действий при назначении судами экспертиз и оценке заключений (University of Nevada, Reno, США), обосновано усиление соблюдения принципа состязательности на предварительном следствии путем предоставления адвокату права самостоятельно назначать экспертизу (University Turiba, Lithuania), доказано, что объединение экспертных учреждений в системе одного министерства, определение норм объема работы эксперта послужат повышению качества заключений судебной экспертизы (Mykolas Romeris University, Lithuania), обосновано и предложено использовать современные технические средства при использовании специальных знаний по уголовным делам, например, используемых в телефонах программ («Centre for Forensic Science» (Нортумбрийский университет, Великобритания), выдвинуты предложения по формированию новых видов рейтингов экспертов и повышению посредством этого эффективности их работы («Criminal Justice Centre» Уорвикская Школа Права, Великобритания), обоснованы положительные аспекты введения в законодательство в качестве вида доказательства заключения специалиста (Академия МВД Республики Узбекистан).

В мире исследования по совершенствованию использования специальных знаний по уголовным делам ведутся по следующим приоритетным направлениям: обеспечение верховенства требований принципа равенства сторон в уголовно-процессуальных отношениях путем имплементации в национальное законодательство международных стандартов; расширение области применения института использования специальных знаний по уголовным делам, совершенствование деятельности судебно-следственных органов по применению современных технологий; разработка эффективных и действенных механизмов получения образцов для экспертного исследования, которые являются безопасными и не ущемляют чести и достоинства личности

Степень изученности проблемы. В республике общие вопросы институтов, связанных со специальными знаниями, изучали Г.А.Абдумажидов, З.Ф.Иногомжонова, Г.З.Тулаганова, Ш.Ф.Файзиев, Н.М.Кушаев, а отдельные аспекты экспертизы – С.А.Отахужаев, Р.Алимова, Б.С.Саломов, Л.Т.Пулатова, Л.Баканова, Н.Худойкулова, К.И.Исаров, Б.И.Пинхасов, Ф.Х.Тарханова, Н.Х.Абдусатторова.

В странах СНГ отдельные аспекты использования специальных знаний изучены в монографических исследованиях Е.Р.Россинской, А.П.Рыжакова, Я.В.Комиссаровой, В.А.Назарова, Л.В.Лазаревой, К.К.Абакирова, В.М.Азаренко, В.В.Камаровой, И.И.Горянова, Д.А.Харченко и В.Н.Шепель.

